



У зот: «Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва салламдан: «Эй Аллоҳнинг Расули, сизга қандай салом беришни ўргандик, энди сизга қандай саловат айтамыз?»

Абдурраҳмон ибн Абу Лайло айтади: Менга Каъб ибн Ужро разияллоҳу анҳу йўлиқиб: «Сенга Набий соллalloҳу алайҳи ва салламдан эшитган бир совғани совға қилайми?» деди. (Мен: "Албатта, менга совға қилинг!", дедим.) У зот: «Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва салламдан: «Эй Аллоҳнинг Расули, сизга қандай салом беришни ўргандик, энди сизга қандай саловат айтамыз?» деб сўрадик. У зот: «Аллооҳумма солли алаа Муҳаммадин ва алаа аали Муҳаммад, камаа соллайта алаа аали Иброоҳим, иннака Ҳамиидум Мажиид. Аллооҳумма баарик алаа Муҳаммадин ва алаа аали Муҳаммад, камаа баарокта алаа аали Иброоҳим, иннака Ҳамиидум Мажиид», денглар», – дедилар.

[Саҳиҳ] [Муттафақун алайҳ]

Саҳобалар ташаҳудда «Ассалааму алайка аййўҳаннабий ва роҳматуллоҳи ва барокаатуҳ...» деб пайғамбаримизга салом беришни ўрганганларидан сўнг, Набий соллalloҳу алайҳи ва салламдан салавотнинг кўриниши ҳақида сўрадилар. Набий соллalloҳу алайҳи ва саллам уларга салавот айтишнинг кўриниши ҳақида хабар бердилар. Маъноси: «Аллооҳумма солли алаа Муҳаммадин ва алаа аали Муҳаммад». Яъни: Аллоҳим У зотга, динларига эргашганларга, мўмин қариндошларига олий малода (фришталарнинг ҳузурида) салавот айт, яъни, мақтагин! «Камаа соллайта алаа аали Иброҳим» Ҳудди Иброҳим алайҳиссалом оилаларига марҳамат қилганинг каби Муҳаммад соллalloҳу алайҳи ва салламга ҳам марҳамат қилгин. Иброҳим алайҳиссаломнинг оилалари: Исмоил, Исҳоқ, уларнинг зурриётлари ва уларга эргашган барча мўминлар. «иннака Ҳамиидун Мажиид». Яъни: Зотинг, сифатинг ва феълларинг мақталган. Улуғлигинг, салтанатинг ва саҳоватинг кенгдир. «Аллооҳумма баарик алаа Муҳаммадин ва алаа аали Муҳаммад, камаа баарокта алаа аали Иброоҳим». Яъни: Яхшилик ва карамингнинг энг улуғини бер ҳамда уни зиёда, собит қил!

النجاة الخيرية
ALNAJAT CHARITY

